



ef

«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
ITIMOIY-SIYOSIY O.



TIKLANISH

1995 йил 10 июльдан чиқиб бораётган

www.mf.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

TIKLANISH



3

**ЎЗБЕКИСТОН ҚУДУДИ ЯҚЛИТ ҚУҚУҚИЙ
МАЙДОНГА АЙЛАНИШИ КЕРАК!**




4

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР
САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ХОҲИШ-
ИРОДАСИ ВА ЗАМОН ТАЛАБИДИР**

**6
СИЁСИЙ
МАЙДОНДА
ЎРНИМИЗ ҚАНДАЙ?**

Ўзбекистон сиёсий майдонида партияларнинг роли ошиб борапти. Албатта, бунда «Миллий тикланиш»нинг ҳам ўз ўрни бор. 2019 йилги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 36 нафар ҳамда маҳаллий кенгашларда 1100 дан ортиқ депутатлик ўрнига эга бўлган партия бугун мамлакатимиздаги етакчи кучлардан бирига айланди.

**7
ДУНЁНИНГ ЭНГ
МАШҲУР САЙЁҲИ**



Унинг сайёх сифатида босиб ўтган масофаси Марко Полонинг натижасини ортда қолдиради.

**7
ОЛТИН СУВИ
БИЛАН ЁЗИЛГУДЕК
ОДОБ!**

Мен ҳам уларни қийнаб қўймайдиган нарсани улардан сўраб туришни истадим.

ШАТТИЖАЛАР

ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида минглаб иш ўринлари очилган. Январь-май ойларида хизматлар соҳасида 232 минг иш ўрни яратилган. Лекин Жиззах, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бу борадаги натижалар паст

2

ТИЛГА ҲАМ, ДАРАХТЛАРГА ҲАМ

ТАЖОВУР



ТИНМАЯПТИ!

2

ФУҚАРО

ФУҚАРО

**СЎЗИНИ ҚЎЛЛАШ
НОТЎҒРИМИ ЁКИ...**

6



27 **ЙИЛЛИК САФАР**

5

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ОРАСИДА
«ОҚСОҚ»ЛАРИ

ҳам бор!

3

ШХТнинг соғлиқни сақлаш соҳасига бағишланган форуми

Тошкент шаҳридаги Халқаро анжуманлар саройида 7 июнь куни «ШХТ мамлакатлари анъанавий (халқ) таботатини замонавий соғлиқни сақлаш тизимларига интеграцияси» халқаро форуми иш бошлади. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида ташкил этилган анжуманда аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирлари, илмий доира вакиллари, замонавий ва анъанавий тиббиёт, реабилитология, фармацевтика ва экспериментал тиббиёт соҳасидаги етакчи мутахассислар иштирок этди. Тадбирда халқ таботати имкониятларидан самарали фойдаланиш йуллари, соҳадаги ютуқлар ҳақида маълумот алмашилди, халқ таботати усулларининг миллий соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, шундай хасталикларни даволаш соҳасига интеграциялашувини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Соҳага мутахассислар тайёрлаш, шифокорлар малакасини ошириш тизимини йулга қўйиш, изчил илмий-тадқиқот олиб бориш, экспертларни аккредитациядан ўтказиш ва хизматлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ умумий тамойиллар ишлаб чиқиш хусусида сўз юритилди.

Давоми 3-бетда



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июнь куни хизматлар кўрсатишни ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Хизматлар – кам ҳаражат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминласа бўладиган соҳа. Шу боис ҳудудларда маиший хизмат уйлари ташкил этилмоқда, ишсизлар касб-хунарга ўргатилмоқда, маблағ ва шароит билан таъминланмоқда.

Жорий йил 27 январда давлат раҳбарининг «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, бу соҳага кўплаб енгилликлар берилди ва имтиёзли ресурслар ажратилди.

Булар орқали жорий йилда 120 мингдан ортиқ янги лойиҳаларни амалга ошириб, хизматлар ҳажмини 435 триллион сўмга етказиш режа қилинган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда бу борада ҳудудларда бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Ҳокимлар халқни ўйлаб, ҳалол ишлаб, тадбиркорларга ер, бино ва инфратузилма масаласида ёрдам берган жойларда натижа бўлган. Масалан, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Ан-

дижон вилоятларида минглаб иш ўринлари очилган.

Январь-май ойларида хизматлар соҳасида 232 минг иш ўрни яратилган. Лекин Жиззах, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бу борадаги натижалар паст.

Сўнги икки ойда хизмат жойлари ташкил этиш учун 12 мингта ер майдони аукционга қўйилган. Лекин 27 та туманда савдога чиқарилган майдонлар сони 10 тага ҳам етмаган.

Шу сабабли бундай сусткашликка йўл қўйган шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарларига интизомий жазо чоралари белгиланди.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 9 ой ва йил якунигача бўлган режалар муҳокама қилинар экан, Бухоро тажрибаси бу борада намуна қилиб кўрсатилди.

Мисол учун, Бухоро шаҳридаги тадбиркорлар меҳмонхона, ошхона, савдо дўконларининг том қисмида ресторан ва кафетерийлар ташкил этган. Имтиёзли кредитлар самарадорлиги таҳлил қилинганда, бир иш

ўрни очиш учун ўртача 8-9 миллион сўм кетган, холос.

Мутасаддиларга ушбу тажрибани бошқа шаҳар ва туман марказларида ҳам жорий қилиш, бунинг учун хавфсизлик талаблари ҳамда ижарага бериш шартларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Умуман, юртимизда аҳолига қулай ва серқатнов йўл бўлишида давлат идораларининг балансидаги 4 мингга яқин маъмурий бино жойлашган. Ушбу бино ва иншоотлардан ҳам сервис соҳасида самарали фойдаланиш мумкинлиги таъкидланди.

Хизмат шохобчалари ташкил этиш учун, аввало, қулай жой керак. Шу боис йиғилишда яна 25 мингта ер майдонлари сервис ва савдо объектлари учун аукционга чиқарилиши белгиланди.

Бу борада аҳолига янада қулайлик яратиш учун энди ерларни аукционга қўйиш жараёни ижара бўйича 48 кундан 15 кунга, мулк ҳуқуқида 74 кундан 20 кунга қисқартирилади. Ер майдонларини баҳолаш экспертизадан ўтказилмайди, ҳақиқий баҳо аукционда аниқланади.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 январдан бошлаб, ерларни аукционга чиқаришда кадастр идораларида бор маълумотларни бошқа идоралар билан келишиш тартиби беқор қилинади. Барча вазирликларнинг кадастр маълумотлари Миллий геоахборот тизимига киритилади.

Жорий йил 1 сентябргача 205 та туман ва шаҳарда 253 та махсус савдо ва хизмат кўрсатиш кўчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун ўтган йили республика бюджетидан 1 триллион 400 миллиард сўм, жорий йилда эса 900 миллиард сўм ажратилган.

Масалан, Жиззах шаҳрининг «Жиззахлик» маҳалласидаги ёпиқ кўча Шароф Рашидов марказий кўчасига боғланиб, савдо ва сервис шохобчаларига туну кун ишлашга рухсат берилган. Натижада бизнес ривожланиб, 200 та иш ўрни пайдо бўлган.

Вилоят ҳокимларига шаҳар ва туманларда шундай кўчалар ташкил этиб, сервисни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Эки яна бир мисол: Бой-

сундаги машҳур Омонхона сийҳатгоҳи атрофида 3 та меҳмонхона бор. Лекин жой этишмаслиги сабабли меҳмонларни қишлоқдаги хонадонлар қабул қилади. Агар бу сийҳатгоҳга олиб борувчи йўл яхшиланса, меҳмонлар сони янада кўпайиши, йўл бўйида 200 дан зиёд савдо ва хизмат объектлари ташкил этилиши мумкин. Шу боис, мутасаддиларга Омонхона қишлоғини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундай ёндашув асосида, хорижий консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилиб, 28 та шаҳар ва хизмат салоҳияти юқори 10 та туманнинг «мастер режаси»ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент кўча ва енгил конструкцияли савдо фаолияти учун талабларни соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла, ободонлаштириш ва йўл ташкилотларига ўз ҳудудида мавсумий кафе ва савдо нуқталарини ташкил этишга рухсат берилади. Бу орқали қарийб 50 минг нафар

аҳолининг бандлиги таъминланади.

Йиғилишда транспорт соҳасига хусусий инвесторларни жалб қилиш, хизматлар турини кўпайтириш, Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини трансформация қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда маҳаллаларда бўлиб ўтган сайловларга ҳам тўхталиб, раисларни сайлангани билан табриқлади.

– Элга бош бўлиш бу – катта масъулият. Маҳалла раислари мамлакатимиздаги ислохотларни ҳар бир хонадонга етказишда, одамларнинг талабини ҳокимлар олдида қўйиб, халқимизни рози қилишда етакчи бўлиши зарур. Бугун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қўйилган аниқ масалалар ҳам энг аввало маҳалладан бошланиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳоким ва ҳоким ёрдамчилари сўзга чиқиб, режа ва таклифларини баён этди.

ЎЗА

✓ Фракцияда

Тилга ҳам, дарахтларга ҳам ТАЖОВУЗ ТИНМАЯПТИ!

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида асосий эътибор қонунчиликда хорижий атамаларнинг ўзбекча муқобилини қўллаш масаласига қаратилди.

Фракция аъзолари дастлаб «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, 1993 йилда қабул қилинган ушбу қонунга шу кунгача 10 марта таъғиртишлар киритилган бўлса-да, ҳалигача бугунги кун талаби ва бу борадаги халқаро ҳужжатларга тўғри келмапти. Шу боис, қарийб 30 йиллик ҳуқуқий амалиётдаги бўшлиқларни тўлдирish мақсадида ушбу қонун лойиҳаси тайёрланди.

Лойиҳада давлат ташкилоти ва идораларнинг стандартлаштириш соҳасидаги ваколатлари ҳам белгиланмоқда. Шу билан бирга, иқтисодий секторда давлат аралашувини кескин қисқартиришга қаратилган «давлат стандарт» тушунчасидан воз кечилиб, «миллий стандарт»га ўтиш таклиф этилапти. Халқаро талаблардан келиб чиқиб, миллий стандартларни ихтиёрий асосда қўллаш амалиёти ҳам таклиф этилаётди.

Мутахассисларнинг фикрича, бугун 30 мингга яқин стандартлар мавжуд бўлиб, уларга риоя қилиш мажбурий саналади. Янги тахрирдаги қонун лойиҳаси асосида мазкур стандартларнинг 18 мингдан ортиги мажбурий тусдан ихтиёрий тусга ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳаси ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифатли, хавфсиз ва рақобатбардош бўлишига хизмат қилиб, миллий стандартлаштириш тизимини мазмун жиҳатидан халқаро амалиёт билан уйғунлаштиради.

Йиғилишда «Пробация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур Қонун лойиҳаси Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қайд этилишича, бугун пробация назоратидаги шахсларга суд томонидан юклатилган чеклов ва мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш ҳамда пробация назоратини амалга ошириш, пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича тадбирларни белгилаш ва амалга оширишнинг ўз ичига оладиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Йиғилишда ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларда қонунга амал қилиш ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, уларни ижтимоий мослаштириш ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан тизим яратилишига эришилиши таъкидланди.

Фракция аъзолари муҳокама қилишда қонун лойиҳасининг номига алоҳида ўз эътирозларини ҳам билдирдилар.

– «Пробация» сўзининг ўзбекча муқобилини топиш керак, чунки бу ном халқимиз учун тушунарли эмас. Умуман, кейинги пайтларда қонунчиликда бундай хорижий атамаларнинг ўзбекча муқобилини изламай, осон йўл танлаяпмиз. Нима, халқаро термин деб, ҳамма нарсани ўтказиб юбораверимизми? Бу тилимизга, халқимизга хурматсизлик эмасми? – деди фрак-

ция раҳбари Алишер Қодиров.

Депутатлар, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Маълумки, мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мутахассислар томонидан ҳудудимизни ўрмон билан қоплаш мақсадида 8 фойздан ортиқ қатнаш эътибор қаратилляпти. Шу мақсадда, 2019 йилнинг октябр ойида дарахтларни кесишга мораторий эълон қилинди. 2021 йилда эса мораторий амал қилиш мuddатсиз даврга узайтирилди.

Аммо шунга қарамай, ўсимлик дунёсига бўлган таъжовузор ҳаракатлар давом этмоқда ва бу жамоатчиликнинг ҳам ҳақиқий эътирозига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, 2019 йилда 3 733 туп, 2020 йилда 7 812 туп, 2021 йилда эса 8 243 туп дарахт ноқонуний кесилган.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, дарахт ва буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик, шикастланганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун жарима миқдори оширилмоқда. Хусусан, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача (амалда 5-10 баравар), мансабдорлар учун йигирма бараваригача (амалда 10-15 баравар) миқдорда жарима солиш белгиланмоқда. Агар бир йил давомида ушбу ҳолат такроран содир этилса, жарима миқдори янада ошади.



Депутатлар мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, нафақат қонун лойиҳасида алоҳида рўйхатда назарда тутилётган дарахтлар, балки юртимизда ҳар бир кўчатга нисбатан берилётган зарарни қоплаш бўйича аёвсиз кураш олиб бориш ва бундан қонунда қадрият сифатида белгилаб қўйишни таклиф қилдилар.

Фракция йиғилишида, шунингдек, ҳукумат соати учун таклифлар шакллантириш, аҳоли муурожаатларига ўз вақтида жавоб бериш, партиянинг Сайловолди дастури ижросини ўз вақтида таъминлаш ва фракция фаолиятига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ҳамдам НИЁЗОВ



Омонбой ОКЮЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти фуқаролик фанлар бўлими бош илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон ҳудуди давлат юрисдикцияси таъсирида бўлган яхлит ҳуқуқий майдон ҳисобланади. Илгарилари ҳуқуқий майдон ибораси асосан кишилар ўртасида ўзаро мулоқот, юзма-юз суҳбатлар амалга ошадиган реал ҳуқуқий майдонга нисбатан қўлланилар эди.

Бугунга келиб, интернет оламида ҳам виртуал ҳуқуқий майдон вужудга келди ва бу ерда ҳуқуқий муносабатлар содир этилмоқда, битимлар, шартномалар тузилапти, тўловлар амалга оширилиб, ахборотлар алмашилмоқда. Ҳатто ушбу майдонда ҳуқуқбузарликлар ҳам содир этилмоқда. Кўпчилик виртуал ҳуқуқий майдон макондан ташқарида, деб ҳисоблайди. Бу назаримда унчалик тўғри хулоса эмас. Чунки виртуал майдондаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ахборот манбалари, ахборот базалари, компьютерлар ва бошқа қурilmалар орқали амалга ошмоқда.

Бас шундай экан, Ўзбекистон ҳудудидаги ресурслар орқали ахборотларни узатиш, сақлаш, қабул қилиш орқали мамлакатимиз ҳудудида амалга оширилаётган ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар давлат юрисдикциясига бўйсунмоғи шарт. Шу сабабли ҳам Конституциянинг 3-моддасига 3-қисм сифатида қўйидаги қўшимчаларни киритиш таклиф этиляпти: «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида амалга оши-

риладиган ҳар қандай реал ва виртуал ҳуқуқий муносабатларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари амал қилади».

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳуқуқий майдонни тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилади. Бироқ фуқаролик жамияти ва корпоратив муносабатлар ривожлангани сайин давлат ҳуқуқий майдонининг муайян соҳаларини ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солиш соҳаси учун белгилаб қўймоқда. Бу муносабатлар соҳасида давлат ҳокимияти органлари томонидан меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга чеклов ўрнатилмапти. Йирик акциядорлик жамиятлари, консорциумлар, кластер тизимлари ички тузилмалари ўртасидаги муносабатларни ўзини ўзи бошқариш ва тартибга солиш асосида амалга оширади.

Айни пайтда шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда минглаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётди. Сийёсий партиялар, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тузилмалари, ёзувчилар уюшмаси, театр арбоблари уюшмаси, фанлар академияси каби ижодий уюшмалар, Савдо саноат палатаси, фермер, деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари кенгаши каби тадбиркорлар бирлашмалари ўзини ўзи бошқариш ва тартиб-

га солишга асосланади. Айни пайтда ушбу ташкилотлар ўз фаолияти юзасидан локал норматив ҳужжатларни қабул қилмоқдалар.

Ўзини ўзи тартибга солиш ва бошқариш тизими бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳатто спортнинг алоҳида турлари бўйича кўнгилли жамоат бирлашмаси

соҳасидаги фаолияти бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга йўл қўйилмайди».

Шунинг унутмаслигимиз лозимки, фуқаролар, давлат ва юридик шахслар мамлакатимизда ҳуқуқий майдоннинг иштирокчилари ҳисобланади. Бош Қомусимизда эса асосий субъек-

катимиз иқтисодиётининг асоси бўлган тадбиркорлик субъектлари – тижорат юридик шахслари тўғрисидаги нормалар мавжуд эмас.

Албатта, юридик шахслар фуқаролар ва давлат томонидан ташкил этилади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳосиласи ҳисобланади, деган эътироз ҳам билдирилиши мумкин.

Бироқ юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғланган, тўқнашган вақтда ўзига хос коллизиялар, англашилмовчиликлар юзага келиши мумкинлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Дунё мамлакатлари конституциявий тажрибасида бундай ҳолатларнинг ечими бор. Масалан, Эстония Конституциясининг 9-моддаси 2-қисмида юридик шахсларнинг фуқаролар учун белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиши белгилаб қўйилган.

Ўқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига қўйидагича қўшимча киритилса мақсадли мувофиқ бўларди: «Ушбу Конституцияда фуқаролар унун белгиланган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар агарда ҳуқуқий муносабат мазмунидан бошқача англашилмаси ёхуд қонунларда бошқача белгиланган бўлмаса, юридик шахсларга ҳам тааллуққидир».

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИ ЯХЛИТ ҲУҚУҚИЙ МАЙДОНГА АЙLANИШИ КЕРАК!



Ўзбекистон ҳудудидаги ресурслар орқали ахборотларни узатиш, сақлаш, қабул қилиш орқали мамлакатимиз ҳудудида амалга оширилаётган ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар давлат юрисдикциясига бўйсунмоғи шарт.

бўлган спорт федерацияларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Ушбу янги объектив реаллик Ўзбекистонда ҳуқуқий майдонни тартибга солишда олий юридик манба бўлган Конституцияда ҳам ўз ифодасини топмоғи лозимлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан Конституциянинг 58-моддасига 3-қисм сифатида қўйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади: «Жамоат бирлашмаларининг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солиш

ектлар сифатида фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқий мақоми ўз мужассамини топади. Бироқ жамиятдаги жуда катта субъектлар гуруҳини юридик шахслар ташкил этади. Улар тижорат ва нотижорат ташкилотлари кўринишида фаолият олиб бормоқдалар. Тўғри, Конституцияда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми белгиланиши билан уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам муайян даражада белгилаб қўйилган. Лекин Конституцияда мамла-

✓ Худудий кенгашларда

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ОРАСИДА «ОҚСОҚ»ЛАРИ

ҳам бор!

Андижонда «Миллий тикланиш» демократик партиясидан маҳаллий вакилик органларига сайланган 103 нафар депутат бўлиб, улар асосан жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ва албатта, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

2021 йилда депутатларимиз томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига 91 та масала киритилган, мутасадди ташкилот раҳбарларига эса 512 та депутатлик сўровлари юборилган. Ушбу кўрсаткичларни 2020 йил билан таққослаганда 8 тага кўпдир.

Шунингдек, депутатларимиз томонидан 140 нафар мансабдорнинг ҳисоботлари эшитилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 11 тага кўпайганлигини айтиш мумкин.

Шу ўринда Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати Муҳаррамхон Раҳмонова, Зардунахон Исмоилова, Мансурбек Бобохонов, Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари Мухтор Халилов, Гулизухро Исмоилова, Дилфуза Иминжонова, Обидахон Солиева сингари фаолларнинг амалий ишлари туфайли сайловчиларнинг партиясига бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда, дейиш мумкин. Аммо депутатларимиз орасида халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Умрбек Тожибаев, Булоқбоши тумани Кенгаши депутати Абдурахмон Исақов,

Шахрихон тумани Кенгаши депутати Отабек Саматов, Кўргонтепа тумани Кенгаши депутати Ойбек Отабоев сингари номингагина депутат бўлиб юрганлар ҳам бор. Жойлардаги партиядошларимизнинг фикрича, бундай депутатлар мавжуд имкониятларни ҳам йўққа чиқариб, сайловчилардан қарзга олинган ишонччи суийстеъмом қилмоқдалар.

Аммо аёллигига қарамай, сайловчининг ҳам, номзодини илгари сурган партиясини ҳам амалий ишлари билан қўллаётган шундай опа-сингилларимиз билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Хусусан, Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати Муҳаррамхон Раҳмонова 2022 йилнинг 1-чораги давомида 10 дан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиб, унда 90 нафар хотин-қизнинг мурожаат ва муаммоли масалаларини ижобий ҳал этди. Хусусан, «Ўзғариш» маҳалласилик Х.Бобохонова ва О.Фахриддиноваларга вилоят Марказий шифохонасида юрак хасталигидан беғул даволаниш учун «ордер» олиб берди. Сайлов округи ҳудудидаги 6 та кам таъминланган оиланинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилди. Шунингдек, ёлғиз ва ногиронлиги бўлган оилаларга беғул тиббий кўрик ташкил этиб, тиббиёт бошқармаси орқали 1 та тиббий аравача, 5 та кўлтқтаёқ, 2 та эшитиш аппарати ҳамда тиббиёт муассасасида даволаниш учун 3 та «ордер» олиб берди.

Камола АБДУВАЛИЕВА,
партия вилоят Кенгаши раиси уринбосари

✓ Форум

(Бошланиши 1-бетда)



ШХТнинг соғлиқни сақлаш соҳасига бағишланган форуми

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев иштирокчилар учун форумда илғор мамлакатлар тажрибаси, амалиёти билан танишиш имкони мавжудлиги, анжуман ШХТ давлатларининг аънавий тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш майдони бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

– Аънавий халқ табobati – ноёб мерос, – деди Б.Мусаев. – Унинг бой тарихини инкор этиб бўлмайди. Ибтидоий маданият тадқиқотчилари халқ табобатининг шаклланиши ер юзидан инсоният пайдо бўлиши билан ҳамбарчас боғлиқлигини исботлашган.

Учрашув давомида халқ табobati соҳасидаги усуллар, инновацион ишланмалар, касалликнинг олдини олиш, беморни даволаш ва реабилитация қилишда фаол иштирок этиш, замонавий ва аънавий тиббиёт тизимини интеграциялаш тамойили, саломатлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўсимликлардан фойдаланиш мавзуларида маърузалар тингланди.

– Аънавий тиббиёт соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим

бўлаги, интеграция эса ҳар қандай соҳа тараққийнинг зарурий шarti, – деди Қозоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Марат Шоранов. – Биз биргаликда илм-фан, амалиёт, аънава ва инновацияларни уйғунлаштириб, асосий кадрият – саломатлиқни асраш йўлидан боришимиз керак.

Мутахассислар анжуманининг амалий натижаси сифатида аънавий тиббиёт услулари билан фойдаланган ҳолда диагностика, профилактика, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги виситалари, усулларини замонавий тиббиёт билан боғлаш заруригини бир овоздан эътироф этдилар.

Шундан сўнг делегациялар раҳбарлари Болалар миллий тиббиёт марказига таширф буюрди, мажмуада яратилган шартнолар билан яқиндан таништи.

Эслатиб ўтаамиз, форум доирасида 8 июнь куни ШХТга аъзо мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг 5-йиғилиши бўлиб ўтади.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири





Акmal САИДОВ, Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия раиси

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ ВА ЗАМОН ТАЛАБИДИР

Мамлакатимиз парламентининг ҳаётида ўтган ҳафта, конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг барқарор ривожланиши ва мустаҳкамланиши, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессанс асосларини шакллантиришга қаратилган кенг қўлмали ва шиддатли демократик ислохотлар учун муҳим бўлган ҳодисаларга бой бўлди. Хусусан, 16 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг энг йирик фракциялари – ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» ДПнинг алоҳида йиғилишлари, 17 май куни – уларнинг, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга ошириш ва ушбу масalani Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг муҳокамасига киритишга бағишланган, қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Шу билан боғлиқ ҳолда, 20 май куни Сенат ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Конституцияга ўзгаришлар киритиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди. Мазкур Конституциявий комиссия таркибига барча ҳудудлардан депутатлар, сенаторлар, жамиятнинг турли қатламлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, етук ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва бошқа экспертлар (жами – 46 нафар) киритилди.

Ҳўш, парламентимизнинг бундай қарорига сабаб нима ва у нима билан боғлиқ? Конституциявий ислохот нимага керак, унинг асл, туб гоёси нимадан иборат? Комиссия фаолияти қандай йўл билан ва қайси тамойиллар асосида ташкил этилади? – булар, мазкур мавзу юзасидан глобал тармоқ ва ижтимоий саҳифаларда берилган саволлар рўйхатининг кичик бир қисми, ҳоло.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТ – АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМЛАРИ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ АМРИ

Аввало, Ўзбекистонда конституциявий ислохотнинг бош гоёвий илҳомлантурувчиси, шубҳасиз, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, асосий ташаббускори эса – мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари эканлигини таъкидлаб ўтамоғимиз.

Биринчидан, 2021 йилнинг октябр ойда Ўзбекистон Президентининг сайловлари жараёнида, барча номзодларнинг электрат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг мантқиқий давоми бўлган муҳим таклиф илгари сурилди. Бу – конституциявий ислохотни амалга ошириш.

Хусусан, Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни кўриб чиқиш юзасидан биринчи таклиф Президентликка ЎзЛиДеП номзоди Ш.М.Мирзиёевнинг сайловчилар билан қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида бўлиб ўтган учрашуви чоғида илгари сурилган эди. Нафақат минтақавий, балки жаҳон кўламига эга экологик фожиа – Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятда, амалдаги Конституцияда ўз аксини топмаган, инсоннинг экологик ҳуқуқлари, юртимиз аҳолисининг яшаб турган ва бўлажак авлодларининг қулай ва тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини мамлакатнинг Бош қомусида акс эттиришининг долзарблиги ва ҳаётий аҳамияти таъкидланди.

Келгусида, унинг

ҳудудлардаги сайловчилар билан яна 7 та вилоятда бўлиб ўтган учрашувлари жараёнида хусусий мулк муҳофазасига доир конституциявий-ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш ташаббуслари, шу жумладан, Ер ва ерости бойлиқларига бўлган ҳуқуқ, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, мамлакатда миллатлар ва златлараро тотувликни қўлайлаштириш, миллий демократик институт – маҳалланин урни ва мақомини ошириш, келажак авлодларга аънавий инсоний қадриятларни асраб-авайлаган ҳолда етказиш, оила институтининг аҳамияти, давлат ёшлар ва гендер сиёсатини, инновацион иқтисодиёт ва «билимлар иқтисодиёти»ни ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага инвестициялар ҳажмини кенгайтириш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Энг муҳими – барча келтирилган масалалар сайловчилар, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтларининг ва миллий-маданий марказларининг вакиллари – мамлакатнинг оддий аҳолиси томонидан кўтарилди. Ўз навбатида, бу, бир томондан – Юртбошимизнинг Янги Ўзбекистон Стратегияси доирасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат берса, иккинчи томондан – сайловчилар уларнинг натижадорлигидан, уларни янада чуқурлаштириш ва Сайловчи дастурда белгиланган мақсадларга эришишдан манфаатдорлигини кўрсатади.

Қуйидаги партия номзодларининг учрашувлари чоғида ҳам:

- «Миллий тикланиш» ДП – мамлакатимизнинг конституциявий тенглигини белгилаш, миллий аънава ва қадриятларни мустаҳкамлаш ва муҳофазаси юзасидан;
- «Адолат» СДП – суд ҳокимиятининг мустақиллиги, қонунлар ва суд қарорларининг одиллиги, Конституция ва қонунлар, инсон ҳуқуқлари устуворлигининг, коррупцияга қарши курашишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган;
- ЎЗХДП – аҳолининг химояга муҳтож қатламларининг, айниқса, ногиронлиги бор шахсларнинг конституциявий ва ижтимоий химоясини кенгайтириш, ижтимоий йўналишга эга давлат қуриш борасида;
- Экологик партия – мамлакатда яшил иқтисодиётга ўтиш, экологик ноқулай ҳудудларда вазиятни яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси сайловлар ва президентликка номзодлар билан учрашувлар жараёнида сайловчилар томонидан билдирил-

ган фикр-мулоҳаза, таклиф ва хоҳиш-истақидир.

Иккинчидан, сайловчиларнинг хоҳиш-истақларини чуқур ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев конституциявий ислохотлар зарурлигига алоҳида ургу берди:

- ўтган йилнинг 6 ноябрь куни ўзининг Инаугурация нутқи вақтида, Президент академик таълим ва экспертлар ҳамжамияти олдида конституциявий ривожланишда миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш вазифасини қўйди, депутат ва сенаторлардан ушбу масалага эътибор билан ёндашиб, уни ўрганиш ва аниқ таклифларни ишлаб чиқишни сўради;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 29-йиллиги муносабати билан йўлланган табрикда у сайловчиларнинг амри ва хоҳиш-истақларига, тез суръатга эга демократик ўзгаришларнинг эътиёжларига асосланган конституциявий ислохотнинг устувор йўналишларини белгилади.

Бундан ташқари, Президент Ш.М.Мирзиёев ўзининг биринчи «Янги Ўзбекистон Стратегияси доирасида амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосларини кўриб чиқилган ва тўлдирилган наشريга, конституциявий ислохотнинг зарурати га бағишланган ва сайловчи кампания жараёнида берилган барча таклифларни умумлаштиришга асосланган бутун бўлимини киритди. Китобда Ўзбекистондаги конституциявий ислохотнинг асосий устувор йўналишлари белгиланган.

Учинчидан, сиёсий партиялар, аввало, ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» ДП қўллаётган конституциявий ислохотларга нисбатан ўз электратнинг қайфияти ва истакларини чуқур ўрганишни ташкиллаштирилади.

Ушбу икки партиянинг 1,5 млн. нафардан ортқи аззолари, Конституциянинг модернизациясини қўллаб-қувватлаганига қолмай, унинг халқ томонидан қўллаб-қувватланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси мақсадларига эришининг, мамлакат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар ҳаётидаги барча соҳаларни янада тез ва жадал ислохотлиги учун зарур ҳуқуқий асосларни яратишнинг муҳим шарти сифатида зарурлигини кўрсатди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР: ДУНЁДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Бугунги кунда, «дунёнинг конституциявий харитасида» 500 дан ортқи амалдаги конституция бўлиб, улардан 200 га яқини – мустақил давлатлар, 300 дан ортқи – федерациялар субъектларига

тегишли.

Шу билан бирга, Шумер шоҳи Ур-Наммунинг Қонунлар тўплами дунёнинг энг қадимги ёзма конституцияси деб ҳисобланади – сопол пешлавҳачаларнинг ёши 4 минг йилдан ошган.

Бунда Конституция – ақида эмас, балки – ҳаракатларнинг, барқарор тарақиётнинг дастуридир. Тузатиш, ўзгариш киритиш имконияти барча конституцияларнинг фундаментал

шув шароитида бутун дунё мамлакатлари жадал тарзда конституциявий ривожланишнинг ўз моделин изламоқда. Шу билан бирга, Конституция давлатнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда, конституциявий тамойиллар қуйидагиларни кўзда тутлади:

Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш (Шахс

30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортқи мамлакатиди конституциявий ислохотлар амалга оширилди, 57 давлатда янги конституция қабул қилинди.

хусусиятидир. Жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларида бирдек хизмат қиладиган конституциявий матни биттада ва абадий яратиб қўйишнинг иложи йўқ.

Шундай қилиб, XX асрнинг охириг ўн йиллиги ва XXI асрнинг боши дунё юриспруденцияси тарихига жаҳон ҳамжамияти вакилларининг конституциявий тузумида конституциявий ислохотларнинг янги сифат босқичига чиқиши, конституциявий дунёқарашда сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар даври сифатида қиради. Хусусан, сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортқи мамлакатиди конституциявий ислохотлар амалга оширилди, 57 давлатда янги конституция қабул қилинди. Эътиборлиси, конституцияга энг кўп ўзгаришлар ва қўшимчалар киритган давлатлар ўнталлигига Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон мавжуд. Бунда, конституциявий ислохотларнинг аксарияти давлат ва жамиятни модернизация қилиш ёхуд сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий инқирозларга йўл қўймастик, оқибатларини бартараф этиш доирасида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунёда дастлабки таҳрирдаги конституциялар деярли қолмаган. Ҳозирги кунда энг қадимий ҳисобланган конституцияларга ҳам – АҚШ да 27 та туб ўзгаришлар, Норвегияда – 200 мартадан ортқи (бунда Бош қомус моддаларидан тахминан 1/3 қисмигина ўзининг дастлабки кўринишида қолган), Голландияда – 24 марта (бирок 1983 йилда унинг матни пухталик билан модернизация қилиниши натижасида, ундаги деярли барча моддалар ўзгарган) ўзгариш киритилган.

Замонавий глобалла-

шув шароитида бутун дунё мамлакатлари жадал тарзда конституциявий ривожланишнинг ўз моделин изламоқда. Шу билан бирга, Конституция давлатнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда, конституциявий тамойиллар қуйидагиларни кўзда тутлади:

- конституциявий тартибга солишни кенгайтириш, давлат ҳокимияти механизмининг ислоҳ қилиш ва бошқарув шаклини ўзгариштириш;
- конституциявий кўлам соҳасини ривожлантириш, ҳуқуқий суверенитетни мустаҳкамлаш ва давлат конституциявий ўзига ҳослигини белгилаш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд химоясини ошириш, конституциявий одил судлов ваколатини кенгайтириш, фуқароларга Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш;
- конституциявий ҳуқуқ ижодкорлигининг глобаллашуви, дунё давлатларининг конституцияларда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва нормаларини акс эттириш;
- давлат ва жамиятнинг конституциявий ривожланишини экологиялаштириш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш принципини амалга ошириш;
- рақамли ҳуқуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ахборот жамиятини институтлаштириш, киберхавфсизликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

ЎЗБЕКИСТОН: КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТ ЙИЛИДА

Ўзбекистон конституциявий ислохотларни амалга оширишда қатта тажриблага эга. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Конституциянинг 21 моддасига 32 та ўзгаришлар ва қўшимча 7 марта киритилган. Хусусан, улар Парламент, Президент ва ҳукумат фаолиятига, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ривожланишига, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш тизимига, сайлов тизимини демократлаштириш ва маҳаллага тегишли бўлган.

Конституциявий тузум, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларни тубдан ривожлантириш, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, эркин ва одил фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартланган демократик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чуқур

ислохотларни конституциявий таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Шу билан бирга, глобаллаштириш, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши даври ва жадаллик билан ўзгариб бораётган ҳаётининг воқелик мамлакатни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарорлик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш бўйича ўта муҳим ва долзарб бўлган янги, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни кўймоқда.

Шу тарихда, Ўзбекистоннинг конституциявий тараққиёти умумжаҳон конституциявий ислохотлар йўлидан кетмоқда.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

Таъкидлаш жоизки, Ш.М.Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» фундаментал китобида демократик ислохотларни янги сифат босқичга олиб чиқувчи янада жиддий вазифалар кўйилган. Улар қонунчилик ҳамда ҳуқуқни англаш ва қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини умуминсоний қадриятлар ва барқарор ривожланиш тамойилларига йўналтиради. Янги Ўзбекистонга мувофиқ келадиган, янги конституциявий принцип ва нормаларни белгилаш кўзда тутилган.

Авало, бу «Инсон қадри учун» устувор тамойилини ҳаётга татбиқ этишга тегишлидир. Бунда инсон қадри – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминлашини англатади.

Конституциявий ислохотларнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланган:

Биринчидан, аввал амал қилган «давлат – жамият – инсон» парадигмасини янги «инсон – жамият – давлат» парадигмасига ўзгартириб, конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш. Бу халқчил давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шартидир;

Учинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини, «Жамият – ислохотлар ташаббускори» тамойилини конституциявий мустаҳкамлаш;

Тўртинчидан, оила институтини ривожлантириш, бўлажак авлодларга аънавий инсоний қадриятларни асраб-авайлаган ҳолда етказиш, мамлакатда миллатлараро товуқлини мустаҳкамлашнинг конституциявий асосларини белгилаш;

Бешинчидан, Конституцияда давлат ёшлар сиёсатини, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари – ёшларнинг, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини, уларнинг ҳуқуқи, манфаатлари ва мажбуриятларини акс эттириш;

Олтинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш сари илдам бораётганини ҳисобга олган ҳолда, «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат» тамойилини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаш;

Еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ноғиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш;

Саккизинчидан, Конституцияга махсус экологик қондалар, глобал иқлим ўзгаришларига тегишли ҳуқуқий меъёрларни киритиш; **Тўққизинчидан**, болалар боғчалари, мактаблар, Учинчи Ренессанс асосларининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари бўлган олий таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш.

Президентимиз «атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг «Яхши бўлиш учун – ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак», деган сўзларида, ўйламанки, теран ҳаётининг маъно мужассам», – дея ургу бердилар.

Дарҳақиқат, жадал ўзгариб бораётган замона, замонавий талабларга жавоб берадиган Конституцияга эга бўлиш учун

мувофиқ ҳатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни талаб қилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ: АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан Конституциявий комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- таклифларни тўплаш, умумлаштириш, шакллантириш асосида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, экспертлик ва турли хулосалар, статистик маълумотлар ва бошқа ахборотларни сўраб олиш;

- илмий-тадқиқот муассасалари, олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлари юзасидан тавсияларини, шунингдек, экспертлар хулосаларини олиш;

- Конституциявий комиссиянинг ишига давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар вакилларини экспертлар сифатида жалб қилиш;

- зарурат туғилганда, манфаатдор давлат органлари ва нодавлат ташкилотларга ўрнатилган тартибда қўриб чиқиш учун тақдим қилинган таклифларга асосан, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

- конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар бузилиши ҳақида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни тегишли идораларга қўриб чиқиш учун юбориш.

Конституциявий комиссия ишининг энг муҳим тамойиллари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, фаолият очиклиги ва шаффофлиги. Бунда, конституциявий ислохотларнинг энг муҳим вазифаларини жамиятда очик, шу жумладан, халқаро экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида муҳокама қилиш учун барча шароитлар таъминланади.

Бунда Конституциявий комиссия Матбуот хизматининг фаолияти алоҳида ўрин тутади, хусусан, у оддий фуқаро учун содда ва тушунарли тилда конституциявий ислохотларнинг, конституциявий новеллаларнинг (англикларнинг) зарурияти, устуворликлари ва асосий йўналишларини етказишни таъминлайди.

Бундан ташқари, аввал икки мартаба ўтказилган, кутилмаганда конституциявий ислохотларнинг турли жиҳатларига бағишланган халқаро конференцияларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, илмий конституциявий форумларни ташкиллаштириш давом этади. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистоннинг ўз фуқаролари учун ҳам, халқаро ҳамжамят учун ҳам очиклигидан далолат беради;

Иккинчидан, коллегиялик. Конституциявий комиссиянинг барча аъзолари қарор қабул қилишда бир овозга ва тенг ҳуқуқларга эгалиги бунга кафил бўлади;

Учинчидан, Президентнинг «Халқ – Қонун ижодкори» ғоясини амалга ошириш, Конституциявий комиссия фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари, академик, тадқиқот ва таҳлил марказларининг кенг иштирокини таъминлаш.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, «Барқарор ривожланиш маркази» ННТ ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан «Конституциявий ислохотлар: дунё мамлакатларининг тажрибаси» мавзусида илмий излашлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар, хорижий ва халқаро конституциявий ривожланишини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, конституциявий ислохотлар аҳоли фаровонлиги ва мамлакат равнақини янада юксалтиришга, унинг иқтисодий қудратини ва дунёдаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

1995 йил 3 июнь... Бу «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топган кун. Шу кун Тошкентда партиянинг биринчи Қурултойи бўлиб, унда «Миллий тикланиш» демократик партияси таъсис этилган. 2008 йилнинг 20 июнида эса «Миллий тикланиш» ва «Фидокорлар» миллий демократик партиялари бирлашиб, икки партия негизда янги – Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси тузилган.



ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИК САФАР

Шу муносабат билан 4 июнь куни Тошкентда партия ташкил топганлигининг 27 йиллиги нишонланди.

Ўтган йиллар давомида партия ғояси, шиори ҳамда партиявий фаолиятдаги креативлик, халқчиллик, электорат билан ишлашдаги услублар янгиланиб, партия аъзолари сафи кенгайди. Аини пайтда қарийб 400 минг аъзоси бўлган партияимизнинг вилоятларда 14 та ҳудудий ташкилоти, туман-шаҳарларда 207 та маҳаллий ҳамда жойларда



7032 та бошланғич ташкилотлари фаолият олиб борапти. Ўтган йилларда партиянинг «Ижтимоий лифт» лойиҳаси асосида 200 нафар партия ходими турли лавозимларга тайинланди. Бир сўз билан айтганда, партия 27 йил ичда ўз овози, ўз қудрати ва сўзига эга сиёсий куч бўлиб шаклланди.

– «Миллий тикланиш» ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб миллий анъаналар ва қадриятларини сақлаш, келажакимиз воясида бўлмиш ёшларда миллий гуруҳ туғилуларини тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ғояларини илгари суриб келмоқда, – деди тадбирда партия етакчиси Алишер Қодиров. – Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун эса бугун жамият ҳаётининг турли жаҳаларига тегишли бўлган ўнлаб лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Агар мустақилликнинг илк даврларида Азиз Қаюмов бошчилигидаги партия ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш, Ўзбекистоннинг жаҳонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларни тиклаш ва юксалтириш масалаларига устуворлик берган бўлса, бугун тилимиз, тарихимиз софлигини сақлаш, миллий манфаатлар устунлиги, қадриятларимизни қадрлаш борасидаги ишларни

жадал ривожлантиряпмиз. Яъни, бошланган эзгу ишлар бугун ҳам «Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш» ғояси асосида давом эттириляптир. Тадбир доирасида партия тарихига оид музейнинг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

Партиянинг 27 йиллик тарихини ўзида акс эттирган кўргазмада «Миллий тикланиш»нинг илк ташкил топган кунларидан торттиб, бугунги кунигача бўлган фаолияти фото ва видео тасвирларда акс эттирилди. – Мўъжазгина партия тарихи музейини кўздан кечириб, дастлабки кунларимизни эсладим, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, партия фахрийси Иброҳим Ғофуров. – Уша кезларда партия раиси жамоатчилик асосида ишлаган, партиянинг маблағи, шарт-шароити, ҳатто биноси ҳам бўлмаган. Партия тадбирлари Азиз Қаюмов раҳбарлик қилаётган Қўлғамалар институти мажлислар залида ўтказилар, ҳайъат аъзолари партия мақсадини маҳаллама-маҳалла, туманма-туман юриб тушунтириб, аҳолини аъзоликка даъват қиларди. Мазкур тарғибот ишларига таниқли олим, шоир, ёзувчи ва санъаткорлар жалб этилиб, партия аъзолари сафи кенгайтирилган. «Миллий тикланиш»нинг илк шаклланиш жараёни ана шундай кечган. Олий Мажлис Қонунчилиги

палатаси депутати, ёзувчи-публицист Хуршид Дўстмухаммаднинг айтишича, ўша даврда ҳақиқатан ҳам шароит анчайин қийин бўлган. Ташкилий ишларни амалга ошириш учун Қўлғамалар институтидан кичик бир хона ажратилган бўлиб, унга атиги 5 киши сигар, иш жараёнида ногаҳон 6-одам қариб қолмасинда, деган хавотирда бўлардик. Чунки хонага олтинчи одам сигмасди. Байрам тадбирида «Навоийга ҳамнафаслик саодати» номли китоб тақдими ҳам ўтказилди. Тўплам «Миллий тикланиш» демократик партиясининг биринчи раиси академик Азиз Қаюмов ижодига бағишланган бўлиб, унда олимнинг дўстлари, издошларининг самимий фикрлари ўз ифодасини топган. Тадбирда китобнинг аҳамияти ҳақида тарих фанлари доктори Сурайё Каримова ўз фикрларини билдириб, ушбу китоб минг-минглаб ёш олимларга асқотишини таъкидлади. Шундан кейин китобни нашрга тайёрлаган оlima, филология фанлари номзоди Салимаҳон Эшонова сўзга чиқиб, ушбу тўплам орқали Азиз Қаюмовнинг ҳаёти ва ижоди яна бир бор таҳлил этилганини таъкидлади.

Дониёр ТОШБОЕВ,
партия Марказий кенгаши
бўлим бошлиғи

✓ Кутинг!

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ НЕГА СЎЗУТ САҚЛАМОҚДА?

Парламент нашри – «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳмат бонг урди, ammo депутатлар сўзут сақламоқдалар. «ХЛ аср» газетаси орқали Норқобил Жалил муаммога кескин муносабат билдирди. Лекин жамиятнинг «бош» партияси O'zLiDeP жим, «Ишонч» бош муҳаррири Ҳусан Эрматов масала моҳиятини ҳижжалаб тушунтириб берди, бироқ парламентимиз бу чиқишга ҳам ишончсизлик билан қаради... Наҳотки миллий парламентимиз учун миллий матбуот – жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирадиган, онг, тафаккуримизни, қарашларимизни ўзгартирадиган асосий «қурол»нинг жангга шай, шай эмаслиги қизиқ бўлмаса. Эртага кеч бўлади. Чунки...

Келгуси сонларда



Bo'sh Komusimizning 61-moddasiga muvofiq, diniy tashkilotlar va birlashmalar davlatdan ayro. Aynan bir suz diniy qarashlar muayyan bir ma'noni anglatmasa, qonunlarimizda aynan usha suz bosha ma'no kasb etishi ham mumkin.

МУНОСАБАТ

ФУҚАРО

СЎЗИНИ ҚЎЛЛАШ НОТЎҒИМИ ЁКИ...

Кейинги пайтларда қонунчилигимизда кенг қўлланиладиган «фуқаро» сўзини бошқа сўз билан алмаштириш юзасидан мурожаатлар келиб тушмоқда. Шу муносабат билан эса матбуотда турлича таклифлар ҳам билдирилмоқда.

Бу сўзнинг қонунчиликда қўлланилишига қарши бўлаётганларнинг асосий вазлари куйидагилардан иборат:

- фуқаро сўзи арабча фақир сўзининг кўплиги эканлиги;
- фақир – камбағал, қашшоқ, ночор, бечораҳол, гадой, тиланчи маъноларини бериши;
- шу сабабдан Конституция-миз ва қонунларда фуқаро сўзидан воз кечиш, ўзбекистонликлар фақир, яъни фуқаро эмаслиги, бу одамларнинг ҳамятига тегиши;
- фуқаро сўзи Муборак Қуръони каримдан олинганлиги, Ўзбекистон фуқароси бўлган бошқа дин вакиллари учун қўлланиб бўлмаслиги ва ҳоказо.

ишлатилган. Яъни, у инсон, одам, киши, жисмоний шахс ва ҳоказо маъноларини беради. Халқимиз ҳам ушбу сўзни айнан маъноларда қабул қилади. Кўриниб турибдики, фуқаро сўзи айни пайтда янги маъно касб этган.

Зеро, сўзлар ўзининг асл маъносини ўзгартириб, кўчма маъно касб этиши одатий ҳол. Бу барча даврларда, яъни турли миллат ва элатлар тилларида кузатилади. Мисол тариқасида ўзимизда кенг қўлланилаётган куйидаги сўзларга эътибор қаратайлик:

- маъмурият – арабчадан олинган бўлиб, амал, мансаб, вазифа маъноларини билдиради. Биз эса маъмурият деганда, биринчидан, бошқарув фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мажмуини, иккинчидан, муассаса, ташкилот, корхона қабилар бошқармасини тушунаемиз. Айтилик, театр маъмурияти.

- маънавият – арабчада ахлоқий ҳолат, барча ахлоқий нарсалар маъносини беради. Биз эса ҳозир маънавият деганда, инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний ва шу каби тасавурлари ва тушунчалари мажмуини тушунаемиз;

- маърифат – арабчадан олинган бўлиб, билим, фан, маълумот, танишиш маъноларига тўғри келади. Наздимизда маърифат – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият. Иккинчи бир маъноси – тасаввуфда бир суфий руҳий камолотга эришиш йўлида босиб ўтадиган босқич (мақом)

лардан бири;

- маъруза – арабчадаги асл маъноси ёзма арз, ариза сўзларига мос келади. Биз эса маъруза деганда бирор мавзуда кўпчилик олдиди (сўзланган) нутқни тушунаемиз. Жумладан, таълимда дарс ўтишнинг маъруза шакли мавжуд;

- машоқ – арабчада ўқитувчи, устоз бўлса, бизга чолғучи бўлиб ўзлашган. Шу билан бирга, ушбу сўзнинг тилимизда секин унут бўлиб бораётганлигини ҳам айтиб ўтиш мумкин;

- маърақа – арабчада жанг, уруш маъноларини беради. Бизда эса мотам маросимлари, бошқаларида тўй, томоша ва шу қабилар йиғиндиси тушунади. Айтиш лозимки, бу сўз ҳам ўз бошидан ўзгаришлар жараёнини кечирмоқда;

- махлуқ – арабчада яратилган нарса маъносини беради. Бу сўз инсон ва бутун жониворларнинг, тирик мавжудотнинг умумий номи. Ушбу сўз маъноси эса бизда беўхшов, хунук, жирканч жонивор маъносини англатади;

- маймун – арабчадан айнан ўғирилса, бахтли ёки омадли дегани экан. Биз маймунни бахтли, омадли демаймиз, балки маймун деймиш ва бизнинг онгимизда бошқача таассурот уйғотади;

- афанди – кимлардир жаноб деб қабул қилади, кимлардир ҳурмат маъносиде ишлатади, ўқитувчи, муаллимни ҳам афанди деб атайдиганлар бор, айримлар томонидан ишидан янглишиб, кулгили ишлар қилиб юрадиган одамларга нисбатан ҳам қўлланилади;

- водий деганда, онгимизда гуллаб-яшнаган жой, ҳудуд кўз олдимизга келади. Аслида,

арабчада водий бизнинг онгимиздаги ҳолатнинг акс маъносиде келади.

Шу ўринда миллий қонунчилигимизда фуқаро сўзи бирликда ишлатилганини кўраемиз, кўпчилик эса фуқаролар сўзи қўлланилган. Бу ҳам фуқаро сўзининг янги маънода қўлланилаётганлигининг далолатидир. Демокчимизки, қабул қилинган ҳар қандай сўз тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб, инсонлар онгида бошқача тасаввур уйғота бошлайди.

Энди қонунчилигимизга эътибор қаратсак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди, деган норма бор. Демак, Конституция ва қонунларимизда диний қарашлар эътиборга олинмаган.

Негаки, Бош Қомусимизнинг 61-моддасига мувофиқ, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан айро. Айнан бир сўз диний қарашларда муайян бир маънони англатса, қонунларимизда айнан ўша сўз бошқа маъно касб этиши ҳам мумкин. Шу сабабдан алоҳида-алоҳида бўлган қарашларни аралаштириб юбориш, давлат ва динни бир текисликда кўриш, бир нуқтаи назар билан қараш тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратсак: у ҳам бўлса, на Конституцияда, на бирон қонунимизда фуқаро сўзининг Қуръони каримдан олинганлиги изох йўқлигидир. Худди, шунингдек, уларга берилган шарҳлар, олимлар ва мутахассисларнинг мақолаларида ҳам бунга изох берилмаган.

Шу сабабдан ушбу сўзни бошқа дин вакиллари бўлган Ўзбекистон фуқароларига қўллаб бўлмайди, деган вазлар ҳам асоссиздек.

Эътибор қилинг, Қуръони каримдан ўқиймиз: «... Агар (сизлар) фақирликдан кўрсангиз, Аллоҳ хоҳласа, Ўз фазли билан сизни бой этажак». «Эй, сизлар! Аллоҳ йўлида эҳсон қилиш учун даъват қилинасанлар. Бас, (аниқки) сизларнинг орангизда бахиллик қиладиган кимсалар бордир. Ким бахиллик қилса, бас, фақат ўз зарарига бахиллик қилур. Аллоҳ бой, сизлар эса фақирдирсизлар. Агар, сизлар (Аллоҳга итоат этишдан) бош тортсангизлар, У (ўрнингизга) сизлардан бошқа қавми алмаштириб қўюр, сунгра, улар сизларга ўхшаган бўлмаслар, (балки Аллоҳга итоат қилурлар)».

Ушбу калимаи оятлар инсоннинг маънавий қашшоқлиги ҳақида бораётганлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Маълумки, инсоният яратилган кундан бери комилликка интилади. Инсоннинг билиш даражаси эса ҳеч қачон бой бўлмаган. Биз ҳали билишимиз ва ўрганишимиз зарур бўлган нарсаларнинг бир чимдимини ҳам эгаллаб олганимиз йўқ, десам ҳурматли ўқувчи Сиз мени тўғри тушунасан, деган умидданман. Биз Яратганга тенглаша олмаймиз. Шунинг учун доимо фақир, яъни маънавий камбағал, билимга муҳтож бўлиб қолаверамиз. Биз Яратганнинг қўлимизни ёки Яратганнинг фарзанди (ўғли)мизми, фарқи йўқ, дунёни англашда Аллоҳ олдида фақиримиз.

Урол ҲАИТОВ

” Бош Қомусимизнинг 61-моддасига мувофиқ, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан айро. Айнан бир сўз диний қарашларда муайян бир маънони англатса, қонунларимизда айнан ўша сўз бошқа маъно касб этиши ҳам мумкин. Шу сабабдан алоҳида-алоҳида бўлган қарашларни аралаштириб юбориш, давлат ва динни бир текисликда кўриш, бир нуқтаи назар билан қараш тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Аввалбошдан таъкидлаш лозимки, Муборак Қуръони каримда «Аллоҳ – Роббимиз, инсон – банд», дея эътироф этилган. Яъни, инсон Аллоҳнинг бандаси, деган маънода қўлланилган. Шу сабабдан халқ орасида «банди мусулмон – мусулмон бандаси» тушунчаси кенг тарқалган. Кўриниб турибдики, фуқаро сўзи ишлатилмаган.

Иккинчидан, фуқаро сўзи юридик атама бўлиб, қонунчилигимизда кўчма маънода

Партия дастури амалда

СИЁСІЙ МАЙДОНДА ЎРНИМИЗ ҚАНДАЙ?



Ҳамдам НИЁЗОВ,
партия Марказий кенгаши
бўлим бошлиғи


Ўзбекистон сиёсий майдонда партияларнинг роли ошиб борапти. Албатта, бунда «Миллий тикланиш»нинг ҳам ўз ўрни бор. 2019 йилги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 36 нафар ҳамда маҳаллий кенгашларда 1100 дан ортиқ депутатлик ўрнига эга бўлган партия бугун мамлакатимиздаги етакчи кучлардан бирига айланди.

Таъкидлаш лозим, партия ва депутатлар Сайловолди дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиб, бу борада фаоллик кўрсатмоқда. Бунга 2021 йилдагина партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг 116 та банди ижроси таъминланганида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 9 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, аҳоли билан учрашувларда тушган 216 тадан ортиқ таклифнинг 24 таси қонунларда ўз аксини топди. Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракция масъуллигида таълим бўйича Парламент комиссияси тузилганини, мазкур комиссия томонидан эса 14 та ҳудуд назорат тартибда ўрнатилганини айтиш жоиз. Шунингдек, партиядан

сайланган депутатлар томонидан 872 та мактаб фаолияти таҳлил қилиниб, 437 та мактабда тўғри овқатланиш ва тиббий маданиятга риоя қилинаётгани аниқланди. Шундан кейин ушбу натижалар ҳукумат ва тегишли вазирликларга тақдим этилди. Маълумки, ҳар қандай партия ўз депутатлари фаолиятини жонлантормас экан, ҳеч қачон ижобий натижага эриша олмайди. Шунинг учун партия раҳбарияти кейинги йилларда асосий эътиборни маҳаллий кенгашлардаги депутатлар фаолиятини бугунги кун талаблари асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Шу кунгача натижада маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан 3000 дан ортиқ маҳаллада 42 мингга яқин хонадон «маҳаллабай» тарзида ўрганилиб, «Темир дафтар»га 3504 нафар, «Аёллар дафтари»га 3913 нафар, «Ёшлар дафтари»га эса 4508 нафар фуқаро киритилди. Қарийб 12 минг нафар фуқарони иш билан таъминлашда, 1911 нафар ёшларга имтиёзли кредит

олишда амалий ёрдам берилди. 618 нафар ёшнинг эса уй-жой билан боғлиқ муаммолари ҳал этилди. Кейинги йилларда партиявий лойиҳалар ижроси ҳам қатъий назорат қилиняпти. Жумладан, «Хизмат – беминнат» лойиҳаси доирасида 2000 га яқин ўқув курслари ташкил этилиб, 3372 нафар хотин-қиз бепул касб-ҳунарга йўналтирилди, 5684 нафар ёш эса ўқув курсларига жалб этилди. «Уйма – уй» лойиҳаси доирасида эса 31 040 та хонадонга ташриф буюрилиб, 21 235 та муаммоли масалага ечим топилди. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг кўп минг сонли жамоаси, айниқса, депутатлари ушбу эзгу мақсадлар йўлида барча имкониятларни ишга солмоқда. Зеро, юртдошларимизни ҳар бир ўтаётган кунидан рози қилиш, жонажон Ўзбекистонимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшишдек улғу мақсад йўлида барчамизнинг иштирокимиз бўлиши лозим.

Тадқиқот



Антарктида музлари остида тирик организмлар борми?

Веллингтон, Окленд ҳамда Отаго университетлари, шунингдек, Сув ва атмосфера тадқиқотлари институти олимлари жамоаси Антарктиданинг 500 метр чуқурликдаги муз остида тирик экотизим борлигини аниқлади. Бу ҳақда The Guardian кундалик газетаси хабар берди.

Тадқиқот ишлари доирасида олимлар томонидан 500 метрлик муз қоплами бургуланди. Маълум вақтдан сўнг, улар узунлиги беш миллиметр бўлган унчалик катта бўлмаган бўғимоёқли жонзотлар тўдасига дуч келади. Янада чуқурроқ ўрганилганда, улар кичик ҳайвонлар, яъни амфиподалар эканлиги аниқланди. Омарлар, денгиз қисқичбақаси ва клешлар ҳам шулар жумласидан.

ЎЗА



Олимлар кўрқинчли воқеаларнинг хотирага таъсирини ўрганмоқда

Тулейн университетининг Фан ва муҳандислик мактаби ҳамда Тафтс университетининг Тиббиёт мактаби нейробиологлари жамоаси миянинг ҳис-туйғуларга жавоб берадиган бодомсимон соҳасида кўрқинчли воқеаларнинг узоқ вақт хотирада шаклланиш механизмини тушунириб берди. Тадқиқот натижалари Nature Communications журналида чоп этилди.

Тадқиқот жараёнида мутахассислар қаттиқ ҳаяжон пайтида ишлаб чиқариладиган нейромедиатор норадреналин мияда кўрқинчли хотираларнинг тўпланишини осонлаштиради. Бу бодомсимон танадаги нейронларни бўғувчи муайян гуруҳни кўзгатиш натижасида рўй беради.

Роман БОНДАРЧУК

Мушоҳода



Эмишкни, бир ўрмонда болта пайдо бўлиб, дарахтларга қиргин келтирибди.

Дарахтлар унга қарши чора тополмай, қари Эмандан маслаҳат сўрашди...

«Болта деганларинг нима ўзи? У нимадан ишланган?» деб сўрабди Эман.

«Болта – темирдан ясалган бир матоҳдир», деб жавоб берибдилар. «Ўзи-ку, темир экан, дастасичи? Дастаси ҳам темирданми?» деб сўрабди Эман. «Йўқ, – дебдилар, – дастаси ёғочдан, ўзимиздан».

«Дастаси ўзимиздан бўлса, унга чора йўқ», деган экан Эман.

Тоҳир МАЛИК,
«Мурдалар ғапирмайдилар» асаридан

Ўзбегим

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим,
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.
Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фороб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлук,
Балки Тархон, ўзбегим.
Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча ҳоқон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.
Тоғларинг теграгда гўё
Бўғма аждар бўлди-ю,
Икки дарё – икки чашминг,
Чашми гирён, ўзбегим.
Қайсарни Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тигига
Кўкси қалқон, ўзбегим.
Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон, ўзбегим.
Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эмадинг,
Сен – Муқанна, сарбадор – сен,
Эркесвар қон, ўзбегим.
Сен на зардушт, сен на буддий,
Сенга на оташ, на санам,
Одамийлик дини бирла
Тоза имон, ўзбегим.
Маърифатнинг шуъласига
Талпиниб зулмат аро,
Кўзларингдан оқди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.
Тўзди-ю Мирзо Улугбек
Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк –
Кўйди нарвон ўзбегим.
Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеърят мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.
Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зору нолон ўзбегим.
Мирза Бобур – сен, фигонинг
Солди олам узра ўт,
Шоҳ Машраб қони сенда
Урди тугён, ўзбегим.
Шеърятнинг гулшанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сўйм тинни ювди кўз ёш,
Қўмди армон, ўзбегим.
Йиғлади фурқатда Фурқат
Ҳам муқимликда Муқийм,
Нолишингдан Ҳинду Афгон
Қилди афгон, ўзбегим.
Тарихинг битмакка, халқим,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта достон, ўзбегим.
Ортда қолди кўҳна тарих,
Ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг,
Топди дармон, ўзбегим.
Бўлди осмонинг чароғон
Толе хуршиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуълаафшон, ўзбегим.
Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда битта гул.
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужгон ўзбегим.
Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танги деҳқон ўзбегим.
Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлибурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.
Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим.
Қайга бормаи, бошда дўлпим,
Ғоз юрарман гердайиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.
Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ суту туз хурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим!



Олтин суви билан ёзилгудек одоб!

Бир йигит онасининг кўшидан туз сўраётганини кўриб қолди. Йигит онасидан сўради:
– Онажон! Нега кўшидан туз сўрайсиз? Мен тузни халта-халта келтириб кўйибман-ку ахир!
Онаси деди:
– Уғлим! Улар фақир. Улар доимо биздан у-бу нарса сўраб ту-

ришади. Мен ҳам уларни қийнаб кўймайдиган нарсани улардан сўраб туришни истадим. Аслида тузга менинг эҳтиёжим йўқ. Аммо мен уларга биз ҳам уларга муҳтожлигимизни кўрсатишни хоҳладим. Ана шунда улар биздан истаган нарсаларини ҳижолат бўлмасдан сўрайверишади!

Дунёнинг энг машхур сайёҳи

Буюк жаҳонгашта Ибн Баттута дунёнинг катта қисмига ташриф буюришга улгурган. XIV асрда яшаб саёхатларга иштиёқи кучли бўлган бу шахс ўз даврининг энг машхур хашшофларидан (бирор жойни биринчи бўлиб кашф этган) бири бўлган. Унинг қадами ўша вақтларда дунёнинг довуғи кетган деярли барча жойларига етган, ҳаттоки, замонавий Сибиргача бориб, қор кечган. Ибн Баттута 1304 йилда Танжердаги (Марокаш) қози оиласида туғилган. Унинг энг катта орзуси — дунё бўйлаб саёхат қилиш бўлгани учун ота уйини 21 ёшида Ҳаж карвонига кўшилиб тарк этади. Орадан 24 йил ўтиб ватанига қайтади. Барча даврларнинг энг таниқли саёхатчиси бўлган Ибн Баттута 30 йиллик сафари давомида Ислом оламининг катта қисмига – дастлаб Миср, Шом (Сурия), Ливан, Фаластин, Месопотамия, шунингдек, Марказий Осиё,


Жануби-шарқий Осиё, Жанубий Осиё, Жанубий Европа, Шарқий Европа, Россия ва Хитой каби жами 44 та давлатга саёхат қилган. Шунингдек, у қуруқлик ва денгиз орқали 75 000 мил (120 минг км) масофани босиб ўтган ва турли урушлар, исён ҳамда босқинлар гувоҳи бўлган. Унинг сайёҳ сифатида босиб ўтган масофаси Марко Полонинг натижасини ортада қолдиради. Ғарб саёхатидан Марокашга қайтган Ибн Баттута отаси 15 йил аввал, онаси бир неча ой илгари оламдан ўтганидан хабар топади. Саёхатчи уларни сўнгги марта 21 ёшида, илк сафари олтидан кўрган бўлган. Ибн Баттута зиёлилар оиласида туғилган ва ўзи ҳам олим бўлган. Унинг саёхатлар ҳақида ёзилган китоби Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда тарихий манба сифатида кенг қўлланилади. У йулида учраган ҳар бир маданият ва цивилизация-



ни диққат билан ўрганган. Унинг юришлари XIV аср ҳақида таассурот уйғота олади. Тарихчилар унинг йўл кундалигидан Ислом дини Африка ва Осиёда қандай ёйилганини аниқлаш учун фойдаланишган. Китоб Европа ва Осиё мамлакатларининг 80 дан ортиқ тилларига таржима қилинган.

Интернет манбалари асосида **М.КАРИМОВА** тайёрлади.

Изоҳ сиздон



СУДОКУ

1	2	4	5	8			
3	7						4
5			9	2			1
		9	5	8	6	2	
			7			1	
	7	8	6	9			
7				2	4		
6					3	9	
8	2		1	6	5		

8				9	1		
		5	1	6	4		
7	4						5
2			6				8
8	1				6		
		4	7	3	9	1	
				3	6		
5	3	7	8		4		
9	4	1		5	7	3	

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОЕВ, Баҳолир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО,
Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани,
Максул Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар донмий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Дониёр ТОШБОЕВ,
Равшан МАХМУДОВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ
Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба куни чикади.
Алади – 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 616
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 04:00

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

ISSN 2010-7714

«MILLIY
TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASI

27
YOSHDA



АЗИЗ ҚАЙУМОВ



ИБРОҲИМ ГОҒУРОВ



КУРШИД ДУСТМУҲАММАД



АКТАМ ТУРСУНОВ



АЛИШЕР ҚОДИРОВ



САРВАР ОТАМУРОДОВ



ОРТИҚАЛИ ҚОЗОҚОВ



ЗАРИНА АБДУЛЛАЕВА



БАХТИЁР ХАСАНОВ



ТОШПУЛАТ МАТКАРИМОВ



УТКИР ҚОШИМОВ



ШУҲРАТИЛЛА РИЗАЕВ



ДИЛМУРОД ҚИРГИЗБОЕВ



ЭЛДОР ТУЛЯКОВ



САРДОР ҚОРИЕВ



ШЕРЗОД РАҲИМОВ



НОДИРА УМАРОВА



ШУҚРАТ ДЕҚОНОВ



БЕНЗОД ШОНАЗАРОВ



ЗЕБИНИСО ШОДИЕВА



ШАҲНОЗА МАМАТАЛИЕВА



НУРИИМАН АБУЛҚАСИМ



ИСҒАНДИЁР ЛАТИПОВ



ШАҲОДАТ АКУНОВА



БЕКМИРЗА ЗЖАМИРЗАЕВ



МАНСУРҲОН БОБОХОНОВ



ҒАЙРАТ САҒАРОВ



ГУЛЛОЛА МИРЗАЕВА



АБДУРАШИД ТУҚТАБОЕВ



КУНДУЗХОН ИСЧАНОВА



МУХЛИСА ЭРҒАШЕВА



ЗУЛАЙҲО АТАХАНОВА



ЎҒИЛОЙ БОЛТАБОЕВА



БОТИРҲОН ҚУРБОНОВ



ЗУЛАЙҲО НАМАЛҚОДЖАЕВА



САЙЁРА АТАЕВА



ДИМИТРИЙ АН



ВЕНЕРА КАЛЕНОВА



ШОҲРИҚ АЛИЕВОВ



САЙДАНВАР АГЗАМҚОДЖАЕВ



АЛИШЕР КАСИМОВ



ШАҲНОЗА СУЛТОНОВА



МИЙРИГУЛ БАЙДУЛЛАЕВА



САЛИМАХОН ЖАНОВА



АДИНАХОН АБДУКАЛИМОВА



ШАРОҒИДДИН МАМАСОБИРОВ



ҒОЗИЛҲОН БУРИЕВ



НУРИДДИН ДАВЛАТОВ



САНЖАРАЛИ ИМАМОВ



ЗАЙНОБИДДИН СОТВОЛДИЕВ



ҒАТХУЛЛА АҚМЕДОВ



НАРГИЗА КАМИДОВА



САМАНДАР ИСМОИЛОВ



РУСТАМ ҚОДИРОВ



БАХТИЁР НАМОЛОВ



АЛИШЕР МАҚСУДОВ



АКБАР КАРИМОВ



ГУЛСАРА ҚУРБАНБАЕВА



ҚОСИЛ КАРИМОВ



МУҲАРРАМ РАҲМОНОВА



ДИЛБАР НОРМУРОДОВА



МАҲАМАТҲОН РАЗИҚОВ



САНЖАР ҚОРИЕВ



МАВЛУДА МАМАДАЛИЕВА



КАРОМАТ МАМАНОВА



АҚМАД НУРМУҲАМЕДОВ



ШУҚРАТ ХАЙДАРОВ



УЛУҒБЕК НОРМАТОВ



МУРОДҲОН РАҲМОНБЕРДИЕВ



ХАЙРУЛЛО МУХИДДИНОВ



ЎТАГУЛ БАЙЖАНОВА



РАҒНО САЛОМОВА



ДИЛБАР ОРЗИЕВА



БАХТИЁР ОЛЛАМОВ



ҒЕРУЗА КАРИМОВА



АНЖЕЛА ОМИРОВА



РАСУЛҲОН КАРИМОВ



БАХТИЁР ОТЕЛБАЕВ



ДИЛҒУЗА РАВШАНОВА



АБРОР ҚУСАИНОВ



ҒОҒУРҲОН ЮСУПОВ



ДИЛОВАР ТЕМИРОВА



ЖАНАТХОН ИСМОЙЛОВА



АЙНУЛУБ УЛЖАЕВА



АНВАР ХУҲАЕВ



АБДИКАРИМ САКСАНОВ



УЛУҒБЕК ЭРҒАШЕВ



ЛОЛА ЭРҒАШЕВА



ТҒЙМУРАТ ЯКИМОВ



МУНИСХОН ЭРҒАШЕВА



АБДУРАХМОН ЗМИНОВ



СУННАТ ЯГМУРОВ

MILLIY TI
DEMOKRATIK